

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИДА МИЛЛИЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.

Бўриев Мансур

Тошкент кимё технология институти.

“Ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси таянч докторанти

Аннотация: Ушбу моқала менталитет трансформациясида миллатнинг миллий онги шаклланиши билан биргаликда миллий ўзликни англаш муҳимлиги ёритилган. Миллий ўзликни англаш ҳар бир инсон учун маънавий баркамолликнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бу ҳалқнинг, миллатнинг тарихий тараққиёт йўлини, аجدодларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаларини билишдир.

Калит сўз: трансформация, миллий менталитетит, миллий онг, маданият, маънавият, кадрият, миллий ўзлик.

Онг – инсон рухий фаолияти билан боғлиқ омил бўлса, миллий онг – миллий бирликда ҳалқнинг мавжудлиги, унинг тарихий тараққиёти ва келажаги билан боғлиқ омилдир. Дастлаб миллий онг – ижтимоий онг кўринишида бўлиб, яъни инсоният жамиятининг илк босқичида, ижтимоий тараққиётнинг оддийлиги туфайли, содда бўлган. Замон ва макон таъсирида инсоният тараққиётга эришган сари, у билан бирга ижтимоий онги ҳам ривожланди. Шу билан бирга миллатнинг маънавий-рухий ҳолати бўлмиш миллий онги ҳам шаклланди ва миллатнинг барқарорлигига қараб ўзгариб такомиллашиб борди. Миллий онг миллатнинг ўзи билан бирга шаклланиб боради. Унинг бошқа миллатлардан фарқ қилувчи, фақат ўзига хос бўлган манфаатлари ва мақсадларининг шаклланиши миллий онгни вужудга келтиради. Шу сабабдан ҳам миллий онг миллат билан тенгма-тенг равишда тарихий даврда, турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ва маърифий салоҳияти таъсирида ривожланади. Яъни миллий онг - миллатнинг тарихи, бугуни ва келажаги билан боғлиқ бўлган мақсадларни ифодаловчи, инсоният фаолиятини мақсад ва йўналишлар томон бошқариб турадиган ғоялар тизимидир.

Ўзбекистонда миллий онг тушунчаси мустақиллик йилларида олимлар томонидан кенг ўрганила бошлади. Ўтган давр яъни, собиқ иттифоқ даврида «тақиқда» бўлган, ўрганилиши мумкин бўлмаган «объектлар»дан бири эди,

сабаби тобеъ ҳалқларни мустақилликка чиқиб кетмаслиги, миллий уйғонишга йўл қўймаслик учун тақикда эди.

Миллий онг тушунчасига олимлар томонидана турлича таърифлар берилган. Академик Эркин Юсупов «... миллий онг оддий ҳис-туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир»³⁹. Академик Жондор Туленовнинг фикрича «миллий онг – бу миллий маданиятнинг таркибий қисми, миллий маданият чўққисидир. Миллий онг миллий маданиятнинг миллий манфаати билан, миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ бўлган масалаларни инсон онгидаги ифодасидир»⁴⁰. Устозимиз Садулла Отамуратов «Миллий онг миллат тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган, миллат манфаатлари ва муаммоларини ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятига йўналишлар берувчи ғоя ва фикрлар тизими»⁴¹ – деб ўз таърифларини билан миллий онгни фундаментал тушанчалар орқали у ёки бу қиррасини ёритиб берганлар.

Шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, миллий онг ва тафаккурга таъриф берганда, миллатнинг миллий онглилик ва миллий ўзликни англаганлик даражасига эътибор бериш билан бирга, унинг фаоллик ва амалийлик даражаларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Яъни, миллий онг миллатнинг миллий манфаатлари ва мақсадларини ифода эттирувчи онг бўлса, уни амалга оширувчи ҳаракат бўлмаса, миллатнинг онги, амалда ўз ифодасини топа олмайди. Шу маънода миллий онг, менталитет трансформациясини амалга ошириш борасидаги фаоллигининг даражаси ҳамдир. Бунда миллий онг миллий манфаатлар сифатида, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқиш, ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам шаклланиб ва ривожланиб боради. Худди шу жараёнда миллатга мос бўлган хусусиятлар шаклланади. Ўша хусусиятлар миллатни бошқа миллатлардан ажратиб туради. Бундай ўзига хос хусусиятлар, ўз навбатида, миллий манфаат ва мақсадларни шаклланишида етакчи омил вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолоти миллий онгда ўз ифодасини топади.

Ҳар бир давлат ва жамият тараққиётга юз тутар экан, унда яшовчи ҳалқнинг миллий онгида ҳам ўзгаришлар юз беради. Яъни миллий онг жамият манфаатларини ўзида мужассам этган ҳолда моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришни ривожлантириб боради. Юқоридаги фикрлардан келиб

³⁹ Э. Юсупов. “Инсон камолотининг маънавий асослари”. –Т.: “Университет”, 1998 йил 165-бет.

⁴⁰ Ж. Тўланов. “Қадриятлар фалсафаси”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил, 62-бет.

⁴¹ С. Отамуратов. “Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2013 йил, 318 бет.

чиқиб, бизнингча миллий онг асрлар давомида шаклланган ҳалқнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, ахлоқий, диний қарашлар, ҳуқ-атвор нормалари, урф-одатлар, қадриятлар тўпламидир. Ўз анъаналарига содиқ ҳолда ҳалқ, ривожланиш сабаб юз бераётган янгиликларни тез қабул қилиши ва кўникиши бу мушкул вазифа, бу маълум бир вақт талаб этади. Жамият ва менталитетдаги янгиликларни миллий онг бегона унсур деб билиб унга қаршилик кўрсатиши табиий ҳолдир. Масалан XX аср бошларидаги жаҳидлар томонидан олиб борилган илм-фан ва таълимдаги ислохотларни айрим миллат вакиллари (хукмрон табақа ва хурофотчи дин вакиллари) жамият учун жиддий хавф деб қабул қилишган ва бу фикрларига жамиятни асосий қисмини (саводсиз қатламини) эргаштирган ҳолатда қаршилик кўрсатишган. Натижада ҳалқнинг, миллатнинг консерватор қарашлари трансформацияга учрамади ва турғунликка сабаб бўлди. Бундай муаммо бугунги кунда ҳам жамиятда у ёки бу кўринишда учраб турмоқда. Миллий онг мавжудлиги, миллий қарашларини сақлаган ҳолда замон талабларига мос янгилашиб бориши миллий ўзлик ва миллий маъсулиятни англаш билан боғлиқ жараёндир. Миллий ўзлигини чуқур англаган, давлат ва жамият тақдири ва келажаги олдида миллий маъсулиятни ҳис қилган миллат онгида трансформация жараёнлари ижобий ҳодиса сифатида кечади. Юқоридагиларни ҳаракатга келтирувчи бир неча омиллар мавжуд бўлиб, бизнинг фикримизча улардан муҳими бурч туйғуси бўлиб, бу инсонга хос ҳис-туйғуни амалиётда намоён бўлишидир. Бурч тушунчасига фалсафа қомусий луғатида «Бурч ахлоқ фалсафанинг фундаментал категориясидан бири. Бу тушунча оила ва бошқа шу каби тузилмаларнинг шахс зиммасига қўйган талабларига нисбатан инсоннинг ахлоқий маъсулиятини, мажбуриятини, уларни бажариш ички маънавий зарурият эканлигини англашни ифодалайди»⁴². Маънавият асосларига оид луғатда «бурч маънавий соҳада юксак маъсулият, лафзи ҳалоллик, ваъдага вафо қилишни; ҳуқуқий соҳада қонун ҳужжатлари, шартнома, иш бўйича юклатилган мажбуриятини англаувчи тушунча»⁴³ каби таъриф ва тушунчалар берилган. Бурч ахлоқий тушунча ҳисоблансада, ҳуқуқ, қонун билан ёнма-ён туради, маълум бир ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ахлоқий ва қонуний нуқтайи назаридан маъсулият инсонни ўз бурчига содиқ қолишга чорлайди. Оқибатда инсон давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшишини икки тарафлама (ахлоқ билан жамият, қонун билан давлат олдида) маъсулиятини оширади.

⁴² Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: “Шарк” НМАК бош таҳрияти, 2004 йил 63-бет.

⁴³ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: “Ғафур Ғулом” НМИУ, 2009 йил. 93-бет.

Бугунги кундаги Янгилаётган Ўзбекистонда юз бераётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, трансформация ва модернизация жараёнлари ушбу жараёнларнинг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучи – халқнинг ва унинг миллий онги, менталитетида ҳам ўзгаришларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг янгиланаётган Ўзбекистонни барпо этишда миллий онгни ўзгариши муаммосида қуйидаги мулоҳазасини мисол сифатида келтириш ўринли: «Жамият орасида янгиликка интиладиган шахслар, ислоҳотларнинг ҳаётий зарурат эканлигини чуқур ҳис этадиган ва ўзгаришларни онгли ва фаол иштирокчисига айланадиган инсонлар кўпчилиқни ташкил қилади. Лекин эскилик қон-қонига сингиб кетган, бутун вужуди билан янгиликни англамаётган консерваторлар ҳам сақланиб қолади. Афсуски, бугунги давр ҳам бундан мустасно эмас. Бундай кимсалар ислоҳот ва янгиланишларга очикдан – очик қарши чиқмайди. Балки уни ичидан ёки ташқаридан бузиш, обрўсизлантиришга интилади ва ислоҳотлар жараёнини, ривожланишини уни ортга қайтаришга ҳаракат қилади»⁴⁴.

Замон ва макон талабидан келиб чиқиб инсон онгидаги янгиликларга бўлган интилишлар, ижтимоий ўзгаришлар, ривожланишларга қаршилиқлар тарихда ҳар доим кузатилган. Айниқса диний хурофот сабаб дунёвий билимларнинг жамият ҳаётига кириб келинишига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилувчи кучлар ўтган замонларда ҳам бўлган. Лекин шунга қарамай ўтмишда дунёвий илм йўлида изланишлар олиб борган олимлар ҳам талайгини бўлган. Бунга мисол тиббиётга доир ислоҳотларни амалга оширган, «Тиб қонунлари» асарининг муаллифи Абу Али ибн Сино фаолиятига тўсқинликлар қилинишидир. Хукмрон табақа ва дин пешволарининг қаршилиги, таъқибига қарамай, Ибн Сино ўз ҳаётини хавф остига қўйиб дунёвий илмий тадқиқотларини олиб борган. Бунинг ортидан Ибн Сино Биринчи Шарқ Уйғониш (Ренессанс) даврининг буюк олими бўлди. Ҳалқимиз бугунги Учинчи Уйғониш даврига қадам қўяётган вақтда ҳам миллий онгидаги эскича қарашлар ўрнини мана шундай дунёвий илмий тадқиқотлар эгалласа кўзланган мақсадга эришилади.

Менталитет трансформациясида миллатнинг миллий онги шаклланиши билан биргаликда миллий ўзликни англаш муҳимдир. Миллий ўзликни англаш ҳар бир инсон учун маънавий баркамолликнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бу халқнинг, миллатнинг тарихий тараққёт

⁴⁴ SH.Mirziyoyev. "Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi" to'g'irlangan 2-nashr. –T.: "O'zbekiston", 2022. B 27

йўлини, аждодларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олишидир. Миллий онгни ўрганишга Собиқ Иттифоқ давридаги тақик миллий ўзликни тадқиқ этишга ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Яъни миллий ўзликни англашни ўрганиши тобеъ халқнинг миллий ҳаракатларига, миллий мустақиллигига сабаб бўлишини ҳисобга олиб илмий тадқиқ этилишини тақиклаганлар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач юқоридаги ҳолатларга барҳам берилди ва олимлар томонидан тадқиқ этилишига имкониятлар яратилди.

Миллий ўзликни англаш масаласида Ислом Каримов —«...инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади»⁴⁵, - дея таъкидлаган.

Шунингдек бир қатор ўзбек ва хориж олимлари ҳам бу масалани тадқиқ ва таҳлил этишган. Профессор Садулла Отамуратов «Ҳар миллат (элат) нинг реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларини ифодаловчи, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублиги, манфаатлар ва эҳтиёжлар ва истикбол вазифаларнинг умумийлигини тушиниб этиши миллий ўз-ўзини англаш дейилади»⁴⁶, - деб таъриф берган. Ўзликни англаш тушунчаси билан миллий ўзликни англаш тушунчаларини таҳлил этган профессор Ваҳобжон Қўчқоров буни қуйидагича изоҳлайди: «Ўзликни англаш кишининг борлиқда ўз ўрнини билиши, ижтимоий муносабатларда ўз «мен»и ва ҳаётий мақсадларини бошқа «мен»лар ҳамда уларнинг ҳаётий мақсадлари билан муносабатида намоён бўладиган индивидуал жиҳатларининг идрок этилиши сифатида қаралади. Ўзликни англашнинг муайян даражаси миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзликни англаш – миллат ва ҳар бир миллат вакилининг умумий маданий негизга, тил, маданият, тарихий мерос, руҳиятга, урф – одат ва анъаналарга мансублигини ва ўз ўрнини идрок этишдир»⁴⁷. А.Б.Багдасарова миллий ўз-ўзини англаш тушунчасини умуминсоний қадриятлар назарида таҳлил қилади. «Миллий ўз-ўзини англаш ўзида ижтимоий, сиёсий, экологик, таълимий, эстетик, фалсафий, диний қарашларни намоён қилади ва диний ривожланишни турли

⁴⁵ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. 34-бет.

⁴⁶ С. Отамуратов. “Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2013 йил, 369-бет.

⁴⁷ В.Қўчқоров. “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси” сиёсий-фалсафий таҳлил, автореферати. – Т.: 2009. 12-б.

миллатларда акс эттиради. Шу йўсинда миллий тафаккур миллатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳаётий жараёнлари билан бирга миллий таълимни акс эттиради»⁴⁸. П.И.Ковалевскийнинг таърифича миллий онгнинг интеллектуал табиатга эга эканлиги нуқта назаридан таҳлил этади. «Миллий ўзликни англаш, идрокнинг акти ҳисобланиб, унда шахс ўзини миллатнинг бир қисми деб ҳисоблайди. Бу ҳаёт бошланишининг асосини тушуниш ва мақсадларнинг ўзаро уйғунлиги таъсири бўлиб, унга бутун халқ ва унинг алоҳида аъзолари кириб кетади»⁴⁹.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб бизнинг фикримизча шахс ўз ўзлигини ҳис этиши, англашининг юқори поғонаси миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзликни англаш миллат ва ҳар бир миллат вакилининг жамият бугуни ва келажаги учун, яъни, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиётида ўз ўрни борлигини, буни яратувчанлик ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқлигини, шунингдек, ҳаёти ва фаолиятини тараққиёт талабларига мослаштириш зарурлигини англашидир.

Шунингдек миллий онгда ўз-ўзини англаш, ўтмиш тарихий тараққиёти, ота-боболари, насл-насаби ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётига ҳисса қўшганини англаш билан тараққиётга эришиб бўлмайди, аждодларини амалиётга жорий этиши ва меросларидан фойдаланиш ҳам тараққиётни асосидир. Менталитет трансформация ва «юксак тараққиётга» эришиш учун ватаннинг ривожланиш истиқболини таъминлаш учун илм-фан имкониятлар ва ютуқларидан кенгроқ фойдаланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, амалиётга тадбиқ этиш учун куч ғайратини ишга солиш керакдир. Бунда, албатта миллий ўзликни англаш билан бирга ҳуқуқий саводхонлик, қонунларга итоаткорлик, демократик кадриятларга содиқлик ортидан жамият маърифий тараққиёт йўлидан боришини таъминлайдиган омил бўлса, иккинчи томондан шахс маънавий комиллиги мезон ҳисобланади. Жамиятда комиллик мезонига жавоб берадиган кишилар аксарият кўпчиликни ташкил қилсагина маънавий баркамоллик ва иқтисодий юксакликка эришиш мумкин бўлади.

⁴⁸ Багдасарова А.Б. Механизм перерастания национального сознания в националистическое. // Журнал «Этнические проблемы современности». Вып. 4. – Ставрополь: издательство СГУ, 1996. –С. 79.

⁴⁹ Ковалевский П.И. Психология русской нации. – СПб: «Граница», 2005. –С. 23.